2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 95 (1156), 2024 йил 17 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ РАВНАҚ ТОПТИРИШ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 16 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этди, маданият ва санъат соҳасидаги янги маскан ва лойиҳалар билан танишди.**





Давлатимиз раҳбари миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда санъат мухлисларини қизғин табриклади.

— Бугун юртимизда катта шодиёна — санъат ва маданият байрами. Азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб муаззам ҳайкал очилмоқда. Мана шу қувончли воқеа муносабати билан сиз, азизларни, раҳматли Ботир Зокировнинг яқинлари, шогирд ва мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, — деди Президент.

Ботир Зокиров 1936 йилда санъаткорлар оиласида туғилиб, вояга етган. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. 2000 йилда “Буюк хизматлари учун” ва 2021 йилда “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланган.

Давлатимиз раҳбари хонанданинг беназир истеъдод ва инсоний фазилатларини эътироф этди.

Ботир Зокиров жуда қисқа — 49 йил умр кўрган. Лекин шу йиллар давомида ўзидан ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирган. Унинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб бориб, халқимиз қалбидан, санъатимизнинг олтин фондидан жой олган. Дунёнинг маданият пойтахтларида ўзбек санъатини зўр муваффақият билан намойиш этган.

Хонанда 1955 йилда, айни кучга тўлган пайтида оғир дардга йўлиқади. Бир неча марта жарроҳлик амалиётларини бошидан ўтказади. Шифокорлар унга қўшиқ айтишни тақиқлаб қўяди. Лекин шу аҳволда ҳам ижоддан, куйлашдан тўхтамайди.

Ботир Зокиров умр бўйи янгиликка интилиб яшарди. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Мюзик холл” ижодий жамоасини ташкил этган, хонанда ва композитор сифатида кўплаб истеъдодли ёшларга устозлик қилган. Республикамизда хизмат кўрсатган “Ялла” ансамблининг ташкил топишида Ботир Зокировнинг хизматлари беқиёсдир.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли маданият ва санъат намояндалари!

Бугун юртимизда катта шодиёна — санъат ва маданият байрами. Азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб муаззам ҳайкал очилмоқда.

Мана шу қувончли воқеа муносабати билан сиз, азизларни, раҳматли Ботир Зокировнинг яқинлари, шогирд ва мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Муқаддас юртимиз заминидан асрлар давомида не-не буюк аллома ва шоирлар, адиб ва меъморлар, муҳандис ва рассомлар, ҳофиз ва бастакорлар етишиб чиққанини яхши биламиз. XX асрда ана шундай улуғ зотларнинг муносиб давомчиси бўлиб Ботир Зокиров санъат майдонига чиқди.

Барчамизга маълумки, у Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров ва хонанда Шоҳиста Саидова оиласида, зиёли бир муҳитда туғилиб, вояга етган эди.

Тақдир Ботир Зокировнинг зиммасига ўзбек эстрада санъатининг асосчиси бўлишдек улуғвор бир вазифани юклади ва бу вазифани у шараф билан адо этди.

У санъат оламига қадам қўйганида республика ва собиқ иттифоқ саҳналарида бири биридан буюк ва бетакрор хонандалар шуҳрат чўққисига кўтарилиб улгурган эди. Ана шундай машҳур санъат дарғалари орасида муносиб ўрин эгаллаш осон эмас эди.

Аммо, Аллоҳ таолонинг ўзи Ботир Зокировга ато этган беназир истеъдод ва инсоний фазилатлар туфайли у санъат оламида чинакам мўъжизалар яратди.

Бундай юксак даражага эришиш учун у, аввало, халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, мумтоз мусиқа меросимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянди.

Ботир Зокиров ҳаёт машаққатларидан қўрқмайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам фақат эзгу мақсад сари интиладиган беқиёс ирода ва матонат соҳиби эди.

Хонанда 1955 йилда, айни кучга тўлган пайтида оғир дардга йўлиқди. Хасталик туфайли бир неча марта ғоят мураккаб тиббий операцияларни бошидан ўтказди. Шифокорлар ҳофизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унга қўшиқ айтишни тақиқлашга мажбур бўлдилар.

Аммо **“Куйламоқ — яшамоқ демакдир”** деган эътиқодни ҳаёт мазмуни деб билган, исми жисмига мос ўзбек ўғлони қўшиқ айтишдан тўхтамади. Қалбидаги эзгу туйғуларни янада тўлиб-тошиб куйлади. Ҳеч шубҳасиз, бундай жасорат, санъатга бундай фидойилик чексиз ҳайрат ва таҳсинга лойиқдир.

Азиз юртдошлар!

Ботир Зокиров яшаб ижод қилган мураккаб замонда унинг истеъдоди, шон-шуҳратига ғаразли кўз билан қарайдиган кимсалар ҳам, афсуски, йўқ эмасди. Лекин ҳаётни кураш майдони деб билган бу матонатли инсон барча тўсиқларни мардона енгиб ўтди.

Бетакрор ҳофизнинг биллурдек тиниқ овозида халқимизнинг асрий орзу-армонлари, ёруғ кунларга ишончи баралла янгради. У қисқа муддатда собиқ шўро маконида миллионлаб ихлосмандларга эга бўлган севимли санъаткорга айланди. Ботир Зокиров СССРдаги барча йирик шаҳарлар, дунёнинг манаман деган маданият пойтахтларида ўзбек санъатини зўр муваффақият билан намойиш этди.

Хонанданинг ижодий репертуари унинг гўзал ва ҳассос қалби сингари кенг эди. Уни ҳиндлар — ҳинд деб, французлар — француз, араблар — араб қўшиқчиси деб қабул қилишар эди.

Айниқса, 1966 йили Парижга қилган ижодий сафари Ботир Зокировга оламшумул шуҳрат келтирди. Ушбу шаҳардаги машҳур “Олимпия” театри саҳнасига кўтарилиб, икки марта куйлаш — эътибор беринг, икки марта куйлаш — дунёда камдан-кам ижрочига насиб этган. Ноёб истеъдоди билан жаҳонни забт этган бундай афсонавий санъаткоримиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

*Давоми 2-бетда*

# МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим 17-19 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.**

Ташрифнинг биринчи кунида Тошкент шаҳрида олий даражадаги тадбирлар ва музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан тизимли сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш, савдо, инновациялар, энергетика, нефть-кимё, саноат, электротехника ва электроника, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида аниқ кооперация дастурлари ва лойиҳаларини илгари суриш масалалари ўрин олган.

Бундан ташқари, халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Малайзия Ҳукумати раҳбари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳам ташриф буюриб, халқимизнинг бой маданий-тарихий ва маънавий мероси билан танишади, қўшма бизнес-форумида иштирок этади.

**ЎзА**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

# Адолат соғинчи ва Уйғониш рамзи



## Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилиши ўзига хос санъат ва маданият байрамига айланди

### ҲЕЧ БИР ТАШАББУС БЕЖИЗ ЭМАС

Инсон — фикрат олами, шунингдек, хаёлот ва хотиралар, ширин соғинчлар исканжасида яшайдиган хилқатдир. Шу ўринда умуммиллат ўйлари, муштарак соғинчлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Улардан бири — **адолат соғинчи** бўлса, бошқаси — қадим замин оҳанглари билан қалбимизга, қон-қонимизга сингиб кетган **вужудий ҳиссиёт бирлиги.**

Баъзан кўп ишларни шунчаки жўн қабул қиламиз. Гўё ўзи шундай бўлиши керакдек. Аслида эса бошқача — бу дунёда ҳеч бир ҳаракат ўз-ўзидан содир этилмайди. Ҳар бир ишда, ҳар бир ташаббусда ҳикмат бор, унда фикрий қудрат мужассамлашган бўлади.

Бир мақоламизда **бугунги сиёсий дипломатия аллақачон янги ўзанини топгани, бу йўл “куч дипломатияси”га асослангани билан ғоят таҳликали ва хатарли бўлиб қолаётгани** ҳақида ёзган эдик. Бундай дейишимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида **“Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз”,** деган ғоят долзарб мушоҳадалари сабаб бўлган эди.

*Давоми 3-бетда*

Ботир Зокиров ижодий феномени миллий санъатимиз тарихида бутун бир даврни ташкил этиши таъкидланди. Унинг бой меросини чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ишларини давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига алоҳида қарор тайёрлаш топширилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 17 май, 95-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

**Бошланиши 1-бетда**

Қадрли маросим қатнашчилари!

Ботир Зокиров жуда қисқа — бор-йўғи 49 йил умр кўрди. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Салкам 30 йиллик фаолияти давомида ўзидан ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирди. Ўлмас ҳофизимизнинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб бориб, санъатимиз олтин фондидан, халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

У умр бўйи янгиликка интилиб яшаган, изланишдан чарчамайдиган, одамларга меҳрибон, олижаноб бир инсон эди. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Мюзикхолл” ижодий жамоасини ташкил этгани, хонанда ва композитор сифатида кўплаб истеъдодли ёшларга меҳр кўрсатиб устозлик қилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, республикамизда хизмат кўрсатган “Ялла” ансамблининг ташкил топишида Ботир Зокировнинг хизматлари беқиёсдир. Мана, 50 йилдирки, ушбу мусиқий жамоа ва унинг раҳбари, 6 та мамлакатнинг “Халқ артисти” деган шарафли унвонга сазовор бўлган машҳур хонандамиз Фаррух Зокиров жонажон Ўзбекистонимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этиб келмоқда.

Бугунги даврамизда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокировани, Равшан ва Баҳодир Зокировларни, Зокировлар сулоласининг бошқа кўплаб вакилларини кўриб турганимдан хурсандман. Айниқса, Гавҳар Зокированинг маънавиятимиз фидойиси сифатида кўплаб шаҳар-қишлоқларимизни кезиб амалга ошираётган эзгу ишлари, ёш авлод тарбияси йўлидаги катта хизматлари учун чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Ботир Зокиров том маънода ватанпарвар инсон эди. Она Ўзбекистонимизни, азим Тошкентни чексиз фарзандлик меҳри билан севар, маҳоратли рассом, талантли адиб ва актёр сифатидаги фаолиятида ҳам Ватанга муҳаббат туйғуси жўш уриб турар эди.

У ўтган асрнинг 70-йилларида халқ қаҳрамони Спитамен ҳақида “Сўғд элининг қоплони” опера либреттосини яратган ва бу асар Алишер Навоий номидаги академик катта театрда муваффақият билан намойиш этилган эди.

Буларнинг барчаси Ботир Зокировнинг олмосдек серқирра истеъдод эгаси бўлганини тасдиқлайди.

Ҳурматли юртдошлар!

Инсон қадрини улуғлаш — Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишидир. Айни шу мақсадда буюк санъаткоримиз Ботир Зокировнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, унинг ижодий меросини ўрганиш бўйича мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йили алоҳида қарор қабул қилиниб, хонанданинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган мана шу гўзал ва обод кўчага у кишининг табаррук номи берилди. Улуғ ҳофизимиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди, эстрада ижрочиларининг республика кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ботир Зокиров ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилмоқда, илмий анжуманлар, ижодий учрашув ва кечалар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида, кўриб турганингиздек, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти барпо этилди. Ушбу олийгоҳда таҳсил олаётган навқирон ёшларимиз орасидан Ботир Зокиров каби улуғ санъаткорлар албатта етишиб чиқади, деб ишонамиз ва уларнинг барчасига омад ва зафарлар тилаймиз.

Яқинда Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган, у кишининг дўстлари бўлмиш атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ушбу мусиқий анжуман халқимизнинг ўз ардоқли фарзандига бўлган юксак эҳтиромининг яна бир ёрқин намоёни бўлди.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бугун сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу муҳташам ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тимсолдир.

Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни равнақ топтириш йўлида олиб бораётган барча ислоҳотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳозирги кунда юртимиздаги юзлаб мусиқа ва санъат мактабларида, техникум ва коллежлар, маданият йўналишидаги институтларимизда, консерваториямизда минглаб истеъдодли ёшларимиз билим ва тарбия олмоқда. Биз ана шундай иқтидорли ўғил-қизларимизни миллий санъатимиз ворислари, баркамол, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказсак, атоқли санъаткоримизнинг руҳи албатта шод бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ботир Зокиров ижодий феномени миллий санъатимиз тарихида бутун бошли бир даврни ташкил этади.

Улуғ санъаткоримизнинг хотирасини абадийлаштириш, бой меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб қилиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ушбу масала бўйича янги қарор лойиҳасини тайёрлаш топширилади.

Қарорда, жумладан, Тошкент шаҳрида Ботир Зокиров мемориал музейини барпо этиш, эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ташкил қилиш, маданият ва санъат олий ўқув юртларининг талабалари учун Ботир Зокиров номидаги давлат стипендиясини жорий этиш, “Ботир Зокиров” бадиий фильмини яратиш, Ботир Зокиров номидаги жамғарма ва Миллий эстрада симфоник оркестри фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар кўзда тутилиши лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу ҳудудни обод этишга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, қўлигул қурувчи ва муҳандислар, ҳайкалтарош ва меъморларга самимий миннатдорлик билдираман.

Барчангизни бугунги шодиёна кун билан яна бир бор табриклайман. Бу жой пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун қутлуғ зиёратгоҳга айланади, деб ишонаман.

Дунёга Ботир Зокировдек буюк зотларни берган халқимиз омон бўлсин!

Миллий санъатимиз доимо гуллабяшнасин!

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ РАВНАҚ ТОПТИРИШ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Бошланиши 1-бетда**

Буюк санъаткорнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, ижодий меросини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президент қарори қабул қилиниб, 2021 йилда Ботир Зокировнинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Улуғ ҳофиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди. У ҳақда илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилди. Яқинда Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага у кишининг табаррук номи берилди. Ушбу консерватория ҳузурида Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти барпо этилди. Энди бу ерда ҳайкал ўрнатилиши мажмуага янада кўрк бағишлади.

— Бу ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тимсолдир. Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни равнақ топтириш йўлида олиб бораётган барча ислоҳотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ботир Зокиров ижодий феномени миллий санъатимиз тарихида бутун бир даврни ташкил этиши таъкидланди. Унинг бой меросини чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ишларини давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига алоҳида қарор тайёрлаш топширилди. Унда Тошкент шаҳрида санъаткорнинг мемориал музейини барпо этиш, эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ва талабалар учун давлат стипендияси жорий этиш, бадиий фильм яратиш, Ботир Зокиров номидаги жамғарма ва Миллий эстрада симфоник оркестри фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар кўзда тутилади.

Маросимда Ботир Зокировнинг издошлари, санъат ва маданият намояндалари сўзга чиқди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти фаолияти билан танишди.

Бу таълим маскани давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 декабрдаги қарори асосида, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги доирасида ташкил этилган эди. Маданий ва илмий меросдан фойдаланиб, миллий эстрада санъатини ривожлантириш, моҳир ижрочилар ва педагоглар тайёрлаш, замонавий куй-қўшиқлар яратиш институтнинг асосий вазифаларидир.

Ўтган йили институт учун 500 ўринли янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўқиш ва ижод учун барча шароит яратилган. Аудиториялар зарур мусиқа анжомлари ва техникалар билан жиҳозланган.

Институтда эстрада вокал санъати, чолғу ижрочилиги, техноген санъат, бастакорлик санъати, санъатшунослик, дирижёрлик каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Бугунги кунда 479 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга профессор-ўқитувчилар, халқ артистлари дарс беради.

Президентимиз дарс жараёнларини кузатди, ўқитувчи ва талабалар билан мулоқот қилди.

— Аввало, мана шундай даргоҳ билан сизларни, бутун санъатсевар ёшларимизни табриклайман. Биз бу ишларни нима учун қиляпмиз? Санъатимизнинг буюк меросини, ёшларимизнинг нималарга қодирлигини дунёга тараннум этиш учун. Институтга миллий санъатимизда феномен бўлган Ботир Зокиров номини берганимиз ҳам бежиз эмас. Бу ерда унинг муносиб издошларини тарбиялашни, истеъдодини юзага чиқаришни мақсад қилганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўқув юрти кутубхонасида саккиз мингдан ортиқ адабиёт ва ноталар жамланган. Миллий эстрада бўйича илмий, амалий ва ижодий изланишлар олиб бориш учун тадқиқот маркази ҳам ташкил этилган.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Киночилар саройини ҳам бориб кўрди.

Ушбу маскан 2021 йил мукаммал таъмирланиб, шароитлари янгиланди. Каттакичик заллар, ёзги кинотеатр ва хоналар замонавий жиҳозланди. Бугун бу ерда жами 3 минг нафар томошабинни қабул қилиш имкони мавжуд.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон кино санъати музейини кўздан кечирди. Музей 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, илгари музей-архив сифатида фаолият юритган. Унда эллик мингдан ортиқ тарихий буюм, либос, расм ва кинотасмалар бор.

Эндиликда музей Киночилар саройига кўчирилиб, кўргазмага қўйилди. Биринчи қаватдаги экспонатлар ўзбек киносининг тарихи ва асосчилари, сўнгги йиллардаги ютуқларига бағишланган. Иккинчи қаватда тарихий фильмлардаги либослар, атоқли киноижодкорлар ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган. Аҳамиятлиси, кино кўриш истагида келган борки, шу тарих билан танишиб ўтади.

Шавкат Мирзиёев шу ерда режиссёр ва актёрлар, киношунослар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашди.

— Сўнгги йилларда миллий киномиз қайта “уйғонди”, десак тўғри бўлади. Юқори савияли, замонавий сифатли фильмлар пайдо бўлди. Бунинг учун сизларга миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, кинематографияни ривожлантириш учун яна нималар қилишимиз керак, деган савол мени ўйлантиради. Агар тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий ғурурини кўтармоқчи бўлсак, буни биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Мулоқотда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Тирик тарих” туркумидаги фильмлар лойиҳаси тақдимот қилинди.

Бу 2024-2030 йилларга мўлжалланган стратегик дастур бўлиб, энг қадимги ўтмишимиздан тортиб, яқин тарихимизгача бўлган жуда катта даврни қамраб олади. Яратилажак фильмларнинг мавзуси кенг ва ранг-баранг.

Жумладан, милоддан аввалги VI асрда яшаган миллий қаҳрамонимиз Широқ ҳақида, миллий давлатчилигимиз тарихида ўчмас из қолдирган Алп Эр Тўнга, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳақида, шу пайтгача етарли ўрганилмаган шайбонийлар ҳақида, қорақалпоқ шоири Ажиниёз ва бошқа машҳур адиблар ҳақида, буюк алломаларимиз ва миллий истиқлол курашчилари ҳақида ҳикоя қилиниши кўзда тутилган.

Лойиҳада чет эллик ҳамкорлар, хусусан, Испания, Германия, Венгрия, Россия, Беларусь, Туркия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон каби давлатларнинг кино санъати усталари ҳам иштирок этиши режалаштирилган.

— Албатта, бу дастур ва ғояларни амалга ошириш учун кўп моддий имконият талаб этилишини, юзлаб истеъдодли мутахассислар зарурлигини ҳам барчамиз яхши биламиз. Қанчалик қийин бўлмасин, биз том маънодаги улкан, тарихий бу лойиҳанинг молиявий масалаларини ҳал қиламиз. Нега деганда, ушбу дастур шонли ўтмишимизни чуқур англаб, шу асосда келажакка ишонч билан дадил қадам қўйишга, ёшларни чинакам ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаб, Учинчи Ренессансни барпо этишга катта туртки бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мулоқотда киноижодкорлар мазкур туркум фильмлар ва соҳани ривожлантириш юзасидан таклифларини билдирди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# Ўзбекистон — Малайзия:

# ОЛИС МАНЗИЛЛАРНИ БОҒЛАГАН ДЎСТЛИК, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

**Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифи арафасида мамлакатимизнинг Куала-Лумпур шаҳридаги элчиси Кароммиддин Гадоев “Дунё” АА учун интервью берди ва икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари ҳақида фикр билдирди.**

— Ўзбекистон ва Малайзия кенг қамровли мулоқотни жадал ва самарали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йил 17-19 май кунлари Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифи турли соҳалардаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва устувор йўналишларда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги географик масофага қарамай, мамлакатларимизни тарихий ришталар, маданий ва диний ўхшашлик, анъаналар яқинлиги, бағрикенглик ва хилма-хиллик каби умумий қадриятлар боғлаб туради.

Бу йил расмий Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 32 йил тўлди. Малайзия 1992 йил 1 январда Ўзбекистон мустақиллигини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб тан олган.

1992 ва 2005 йилларда Малайзияга, 1993 ва 2008 йилларда Ўзбекистонга олий даражадаги расмий ташрифлар доирасида дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун пойдевор қўйилди. Шунингдек, ташрифлар давомида бир қатор истиқболли соҳаларда ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланган. 2003 йилда Малайзия Подшоҳи Сайид Сирожуддин Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада мустаҳкамланди. Икки томонлама ҳамкорликда ижобий натижаларга эришилди, сиёсий мулоқот фаоллашди, томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар тараққий этяпти.

2023 йил 1 декабрь куни Дубай шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Подшоҳи Султон Абдуллоҳ Риоятуддин Ал-Мустафо Биллоҳ Шоҳ учрашди. Ушбу олий даражадаги мулоқот натижалари икки томонлама муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Икки мамлакат қонун чиқарувчи органларидаги дўстлик гуруҳлари фаолияти доирасида парламентлараро алоқалар муваффақиятли ривож топмоқда. 2023-2024 йилларда икки давлат ташқи ишлар вазирларининг ўзаро ташрифи амалга оширилди. Шу йил февраль ойида Куала-Лумпурда Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

2023 йил октябрь ойида Малайзия туризм, санъат ва маданият вазири Тионг Кинг Синг бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНВТО Бош Ассамблеясида иштирок этди ва форум давомида туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон ва Малайзия ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи даври 2022 йил март ойида Путражая шаҳрида ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида бўлиб ўтди. Сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги даврасини жорий йилда Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Малайзия Ўзбекистоннинг АСЕАН давлатлари орасида муҳим савдо шериги ҳисобланади. 2023 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 3 баробар ошиб, 190 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон Малайзияга кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари ва мевалар экспорт қилади. Малайзиянинг асосий экспорти машина ва транспорт ускуналари, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотларидан иборат.

Малайзиялик инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Малайзия капитали иштирокидаги 33 та корхона фаолият кўрсатяпти. Эътиборлиси, уларнинг 16 таси 100 фоиз Малайзия капитали асосида ташкил этилган.

Ўзбекистон ўзининг стратегик жойлашуви, ривожланган транспорт инфратузилмаси ва қўшни давлатлар билан мавжуд эркин савдо шартномалари туфайли Малайзия бизнесининг 80 миллион аҳолига эга Марказий Осиё бозорига кириши учун муҳим марказ вазифасини ўташи мумкин. Ўз навбатида, Малайзия ўзбек бизнеси учун Жануби-Шарқий Осиё давлатлари бозорларига муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади.



> **Бугунги кунда Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, балки бутун минтақа ва хорижий ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги форматларини шакллантиришда ҳам фаол роль ўйнамоқда. Ўз навбатида, Малайзия Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) асосчиларидан бири сифатида минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Тошкентда бўлажак олий даражадаги мулоқот “Марказий Осиё — АСЕАН” форматида янги ҳамкорлик платформасини яратишга имкон беради.**

Шу нуқтаи назардан, транспорт алоқаси масалалари алоҳида эътиборга лойиқ. Бугунги кунда Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасида “Uzbekistan Airways” миллий авиакомпанияси ва Малайзиянинг “Batik Air Malaysia” авиаташувчиси томонидан ҳафтасига 4 та рейс амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатлар Марказий Осиё ва Малайзия ўртасида муқобил транспорт ҳамда логистика йўналишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор.

Таълим ҳамкорликнинг яна бир муҳим соҳаси саналади. Хусусан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари қўшма таълим дастурлари доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг юртимизга биринчи ташрифи ва бўлажак олий даражадаги учрашувлар Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги илиқ ҳамда дўстона алоқаларни янги босқичга кўтариши, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳада фойдаланилмаган салоҳиятни фаоллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ташриф доирасида, шунингдек, қатор икки томонлама ҳукуматлараро ҳужжатлар, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шартномалар имзоланиши кутилмоқда. Бугунги кунда халқаро дипломатия ва туризм маркази сифатида шуҳрат қозонган қадимий Самарқанд шаҳри навбатдаги Ўзбекистон — Малайзия бизнес-форумига мезбонлик қилади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш бўйича “Малайзия Мадани” концепцияси “Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан ҳамоҳанг экани рамзий маънога эга. Бу ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ижобий тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, балки бутун минтақа ва хорижий ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги форматларини шакллантиришда ҳам фаол роль ўйнамоқда. Ўз навбатида, Малайзия Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) асосчиларидан бири сифатида минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Тошкентда бўлажак олий даражадаги мулоқот “Марказий Осиё — АСЕАН” форматида янги ҳамкорлик платформасини яратишга имкон беради.

Шубҳасиз, Малайзия Бош вазирининг расмий ташрифи кўп асрлик дўстлик, ўзаро ишонч ва англашувнинг мустаҳкам пойдеворига асосланган Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлигини сиёсат, хавфсизлик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим, инновациялар, маданият ва халқ дипломатияси соҳаларида сезиларли даражада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ташриф давомида Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим бошчилигидаги делегация юртимизнинг Самарқанд ва Бухоро каби дунёга машҳур тарихий шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишади.

**“Дунё” АА**
*Куала-Лумпур*

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 17 май, 95-сон





Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

# Адолат соғинчи ва Уйғониш рамзи

## Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилиши ўзига хос санъат ва маданият байрамига айланди



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Шундай таҳликали шароитда миллатлар, давлатлар қандай йўл тутмоғи керак? Ўзликни асраш, миллий давлатчилик анъаналарини замонавий тенденциялар асосида такомиллаштириш, ўзаро боғлиқликда тараққий этиш, дўстлик салтанатини тузишда қай йўлни танламоқ зарур, деган саволлар бир неча йиллардан буён ён-дафтарчамиздан ўчмаяпти — бири тўлса, иккинчисига ёзиляпти.

Ҳар бир ташаббусда ҳикмат борлиги, ундаги фикрий қудрат мужассамлашуви ҳақида бежиз айтмадик. Гап шундаки, янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарининг дунё минбарларидаги башарият ҳаётига дахлдор фикрлари, ташаббуслари, чорловлари мазмунида юқоридаги саволларга жавоб бор, аслида.

Тошкентда миллий эстрада санъатимиз асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилиши ҳам бутун халқимизни, таъбир жоиз бўлса, унинг соҳир овозидан ҳайратга тушган дунё аҳлини маънавий бирдамликка чорлов муждасидир.

Бу асло муболаға эмас. Боиси, бугун дунёни ахборот кучи эгаллаб олди, шу куч бошқарув қудрати касб этмоқда. Шундай экан, олдимизда ахборот тизгинини тутиш, уни эзгу мақсадлар сари руҳлантириш, миллий контентни яратиш вазифаси туради.

Балки кимдир айтар: Ботир Зокиров ва у яратиб кетган санъат бизга ўтган асрдан боқиб турган бўлса, ҳозирги ахборот тизгини бунда-ю, ўзбек эстрадаси асосчиси қайда?

Жавобимиз будир: **Ботир Зокировнинг қўшиқларида, шеърларида, ҳикояларида, хотира битикларида, чизган суратларида ҳеч эскирмас, ҳеч тинмас ахборот бор.**

Мана улардан бири: ***“Эрталабдан хушхабарлар: рентген яхши, уколлар бошқа қилинмайди. Ҳар қалай ваъда беришдику! Сайр қилиш мумкин. Тоза ҳавода. Фақат қирқ минут. <u>О, баъзан нимадан озиқланаётганимизни унутиб қўямиз.</u> Ахир баҳорнинг илиқ, салқин табиий ҳавосини хонадаги кислородга алмаштириш мумкинми? <u>Нафас олиш қандай бахт!..”.</u>***

Эзгу ниятли, шукроналик ҳисси билан яшаётган инсонлар айтадиган гап, шундай эмасми?!

Бугун биз ўзимизни хурсанд қилиш ҳақида ўйлаймиз. Чиройли, озода кийингимиз, оиламиз, дўстлар билан тансиқ таомлар егимиз, дунёни сайр этгимиз, тоғу даштларда дам олгимиз келади. Аммо ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Уруш қутқуси кезиб юрган мамлакатлар, эллар, элатлар қанча? Улар жони омон бўлиши ҳақида қайғуради, ўзи, фарзандлари қорни тўйган кунига шукрона айтади.

Маълумимиз бўлишича, Ботир Зокировнинг илк қўшиғи Ватанга муҳаббат ҳақида эди. Шундан келиб чиқиб, ҳеч бир ташаббуснинг бежиз эмаслиги, ахборот сиёсати бошқараётган дунёдаги ҳамжиҳатлик руҳи ҳақидаги фикрларимизга дастлабки хулосани берсак:

— Ботир Зокиров санъатининг ўлмас ахборот манбаи — Ватанга меҳр қўйиш, ҳар ишда садоқатли ва фидойи бўлиш, инсонларга меҳр-муҳаббат улашиш, бу дунёда шукроналик билан яшаб ўтиш. Демак, буюк аждодимизнинг куни кеча Тошкентда очилган ҳайкали мана шу адолатнинг тикланиши замиридаги бор ҳаёт ҳақиқатларини сўзлаб туради.

### ИЖОДИЙ ФЕНОМЕН ВА РАМЗЛАР

**— Бу ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тимсолдир. Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни равнақ топтириш йўлида олиб бораётган барча ислоҳотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади,** — деди давлатимиз раҳбари.

Мақоламиз аввалида <u>**адолат соғинчи**</u> ҳақида айтдик. Инсоният ва миллий давлатчиликлар тарихида адолат соғинчи жамият орзусига айланган даврлар кўп бўлган. Жумладан, бизда ҳам.

Кейинги йилларда халқимизнинг шу соғинчлари, орзулари ушалмоқда. Тарихий адолат тикланиб, улуғ аждодларимизнинг пок руҳига ҳурмат-эҳтиром кўрсатила бошланди. Уларнинг бой илмий, маънавий-маърифий меросини тиклаш ва ўрганишга бел боғладик. Ота-боболаримиз закоси қанчалар буюклигини англай бошлаяпмиз. **Бу — Уйғониш рамзи.**

Президентимиз айтган Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган ҳайкалнинг рамзий тимсолига келадиган бўлсак, янада хайрли бир ҳолни англаймиз. Бу ҳақда гапиришдан олдан Ботир Зокиров феноменига тўхталиш керак бўлади.

У Навоийни кўп ўқир эди. Навоий даҳосига ҳурмати чексиз бўлган. “Лайли ва Мажнун” достонидан айтган “Мажнун” монологини бир эсланг. Ёки бошқа қўшиқларини, ҳеч бўлмаса, шифохонада ёзган мана бу хотирасини ўқинг: ***“Куни бўйи Эдуардас Межелайтиснинг “Инсон” китобини ўқидим. Китоб яхши безалган. Красаускаснинг гравюралари табиий. Поэмадаги кўп фикрлар менинг дардларимга ҳамоҳанг. Ўзим очган дунёни “кўриб”, ўзим уялиб кетдим, Межелайтис менга руҳ бағишлади. Нега энди ўзимдан ўзим уялишим керак?..”.***

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ботир Зокиров тафаккури кенг, ўз миллий дунёсига эга шахс бўлган. Шу боис, бугун Президентимиз бу буюк инсон хотирасига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда, унинг бой ва ўлмас маънавий меросини тиклашга киришилди.

Ботир Зокиров вафотидан роса 35 йил ўтиб, тарихий адолат тикланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарори билан 2021 йилда Ботир Зокировнинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Улуғ ҳофиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди. У ҳақда илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилди. Бу йил эса Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага у кишининг табаррук номи берилди. Ушбу консерватория ҳузурида Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти барпо этилди.

Албатта, бу хайрли ишлардан халқимиз яхши хабардор. Биз қайта айтаётганимиз боиси эса улар замиридаги ҳаётий ҳикматларни бир нуқтага жамлаш, холос. Яъниким, кейинги йилларда буюк аждодларимиз хотираси қалбларимизга муҳрланмоқда. Қаҳрамон арбобларимиз, олиму уламоларимиз билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар кўз очмоқда. Бунинг замиридаги ҳаётий мақсадни ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз теран англаб етиши керак.

Гап шундаки, бу каби саъй-ҳаракатлардан мақсад фозил аждодларимиз ҳаётини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, пировардида биз интилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдир. **Бу — Уйғоқлик рамзи.**

Шу ўринда Президентимизнинг юқорида келтирилган мана бу гапига яна бир бор эътибор қаратмоқчимиз: *“Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни равнақ топтириш йўлида олиб бораётган барча ислоҳотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади”.* Демак, биз, аввало, шу мақсадлар учун муносиблик йўлидан боришимиз керак. Токи **бу — Қувват рамзи** сифатида тарихда қолсин.



**Халққа хизмат қилмоқ учун**
**Овозим ҳам, ўзим ҳам ярайман ҳали,**
**Куйламоқ бу — мен учун яшамоқ, демак!**
**Бироқ бошқаларнинг илҳоми ила**
**Кўнгилхушлик қилмоқ менга керакмас!**
**Изламоқ ва яратмоқ истайман бу кун**
**Ўз санъатимни!..**

**Ботир ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

### АРБОБ ВА ЖАДИД ЭДИ

Арбоблиги шундаки, Ботир Зокиров ўзбек эстрада санъатига асос солди, куй ва қўшиқларини академик маҳорат билан куйлади. Шу тариқа мақом ва халқ оғзаки ижодини янги ўзанга бурди — ўз замондошлари қалбига сингдириб кетди.

Дарвоқе, Ботир Зокировни хотирлаганда мақом ва фольклор қуввати ҳақида ҳам айтмасак бўлмайди. Бунга сал кейинроқ тўхталамиз.

Ботир Зокировни жадид боболаримиз сафига қўшиш учун ҳам ҳақлимиз. Унинг миллат келажаги учун қайғуриб айтган мана бу фикрини бир эслайлик: ***“Ўзимиз ўзлигимиз илдизини қирқсак, маданият ва санъатимизни оёқости қилсак, ғуруримизни бемаъниларча топтасак, истеъдод бошида бюрократларча қилич яланғочлаб турсак, қачон халқ бўламиз? Қачон қад ростлаймиз? Қачон?..”.***

Бугун маънавий тараққиёт ҳақида кўп гапиряпмиз. Сиёсий тутумларнинг ўзгараётгани, таҳлика уммонида яшамоқ шартлари ҳақида ўйлаяпмиз, қайғуряпмиз. Шундай бир даврда ҳар биримиз ўзимизни қайта-қайта сўроққа тутмоғимиз талаби пайдо бўлаверади: қачон халқ бўламиз, қачон қад ростлаймиз? Бу ҳеч унутиб бўлмас, ўзимизни ҳар доим, ҳар он тафтиш қилмоқ учун энг тўғри йўлдир.

Бизга қисмат йўли — синовдир. Не тонгки, олдимизда катта синовлар бор. Халқимиз бугун ва эртага ҳам яхши яшаши йўлидаги катта заҳмат чеки бизнинг гарданимизга тушиб турибди. Шундай экан, бу йўлда Ботир Зокировнинг жадидона руҳда айтган ушбу даъвати замиридаги ҳақиқат йўли ҳар доим бизга йўлдош бўлиши керак.



### ХАЛҚИМИЗ НЕГА УНИ СЕВИБ ЯШАМОҚДА?

Ботир Зокировда мажнунлик орзуси бўлгани ҳақида биламиз. Бир сўз билан айтганда, унинг номи — Ботир, қалби — Мажнун эди.

Ҳар иккисида ҳам тақдир битиклари ёзилган бу инсоннинг ботирлиги, аввало, санъат йўлидаги қаҳрамонлигида акс этади.

Ҳа, биз Ботир Зокировни миллий санъатимизни дунёга танитган чинакам қаҳрамон, деб айтгимиз келади. У санъат учун ҳаётини бағишлади. Ўзини, соғлиғини ўйламади, умрининг сўнгги нафасигача куйлади, баралла куйлади. Дунё санъат саройларини забт этди, инсонлар қалби унинг овози билан жунбишга келди.

***“Шарқ тарихини ўқияпман. Жуда кўп нарсаларни билмаслигим аён бўлди. Ўз тарихимизни ғурурланиб, фахрланиб ўқиб-ўрганишни бошладим. Қанча-қанча очилмаган тенгсиз хазиналар. Ўз маданиятимизни ҳали жуда юксакларга кўтаришимиз керак. Албатта, кўтариш керак! Қандай қилиб? Ҳамма гап шунда.***

***Яна кўп нарсалар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишга ҳали имкониятим бор.***

***Бир нарсани англадим. Шу пайтгача олган билимларим ҳеч нарсага арзимас экан. Ҳаммасини имкон қадар қайтадан бошлаш керак”,*** дея яшади, шунга интилди ва умри етгунича уддалади.

Юқорида умуммиллат ўйлари, муштарак соғинчларни тилга олиб, вужудий ҳиссиёт бирлиги ҳақида сўз очганимиз тасодиф эмас эди. Зеро, бизнинг бой маънавий меросимиз бир бутун вужуд касб этади.

Гапимиз исботи сифатида мақом ва бахшичилик санъатини олайлик. **Мақомни ҳам, бахши айтимларини ҳам қалби пок ва нияти эзгу инсон эшитади.** Нега шундай, дейсизми?

Халқимиз азал-азалдан самимийлик, табиийликни севиб яшаган. Жайдарилик, тўғрисўзлик бизга отамерос. Бу туғма моҳият ҳосиласи сифатида халқ оғзаки ижоди — достонлар, куй-қўшиқлар, мақом санъати яралган. Шу-шу мақому достонлар бизнинг вужудимизга айланган.

Унутилмас Ботир Зокировда ана шу оҳанг фалсафаси, ўзлигимизнинг ўлмас ахбороти бор эди. Мана шу ўзлик куйи узоқ йиллардан буён “чангланиб” келмоқда. Бугун ҳам бу қутлуғ анъана бардавомлиги бизнинг бойлигимиз, борлиғимиздир. Шу боис, халқимиз Ботир Зокировни севиб эшитади, эшитаверади.

Дарвоқе, у кишининг мажнунлиги ҳақида. Мажнунлиги ҳаётга муҳаббат, инсонларда самимийлик ва ҳамжиҳатлик меҳрини, ватанпарварлик ҳиссини сингдириб кетди. Мажнунлиги билан халқимиз орзуларини куйлаб ўтди.

Ҳозир шулар ҳақида ўйлар эканмиз, бизнинг қандай буюк тарихимиз борлиги, қандай улуғ аждодларимиз яшаб ўтгани ва уларнинг дунёни уйғотувчи бой илмий-маънавий мероси давомчилари эканимизни ўйлаб, қалбимиз фахрга тўлиши шубҳасиз.

### БУЮКЛИК ТАФТИ

Пойтахтимизда Ботир Зокиров ҳайкали очилиши маросими ўзига хос яхлит композиция касб этди. Президентимиз Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти фаолияти, Киночилар саройидаги Ўзбекистон кино санъати музейи ҳамда “Тирик тарих” лойиҳаси тақдимоти билан танишди. Ўқитувчи ва талабалар, режиссёр ва актёрлар, киношунослар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашди.

Жумладан, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтидаги мулоқот чоғида ёшларга қарата **“Аввало, мана шундай даргоҳ билан сизларни, бутун санъатсевар ёшларимизни табриклайман. Биз бу ишларни нима учун қиляпмиз? Санъатимизнинг буюк меросини, ёшларимизнинг нималарга қодирлигини дунёга тараннум этиш учун. Институтга миллий санъатимизда феномен бўлган Ботир Зокиров номини берганимиз ҳам бежиз эмас. Бу ерда унинг муносиб издошларини тарбиялашни, истеъдодини юзага чиқаришни мақсад қилганмиз”,** деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, Ботир Зокиров феномени барчамизга, ёшларимизга ибрат намунасидир. Унга муносиб издошларни тарбиялаш мақсадимиз замирида ҳам жуда катта марралар борлигини ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз чуқур таҳлил қилиб, бу ҳақиқатни онгига сингдириб олиш фурсати келган.

Биз Учинчи Ренессанс йўлидамиз. Унинг бунёдкорлари эса, ҳеч шубҳасиз, бугунги ёшларимиз бўлади. Шу боис, уларга катта йўллар очилмоқда, барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Мақом ва бахшичилик санъатимизни поклик, самимийлик ва кўнгил ободлигига менгзадик. Унинг ўқилдизлари вужудимизда тобора мустаҳкамланиши йўлида яна бир мулоҳаза.

Ботир Зокиров ижоди, унинг ҳаёт йўли, матонати, сабру бардоши, жасорати, хуллас, биз ҳали билган-билмаган маънавий чизгилари ҳар биримиз учун катта ҳаёт мактаби бўлиши керак. Чунки ҳар бир миллатнинг, ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, феноменлари бўлади. Улар миллатни миллат, элни эл сифатида танитувчи **БАХТ** саналади. Ботир Зокиров ҳам ана шундай шахслардан бири эди.

Ўша бахт бизни тарк этган эмас. Аксинча, бугун тобора чўғланмоқда, шукуҳланмоқда. Келажакда буюклик тафтини таратгусидир.

Одамлар йиллар давомида ариқдан сув ташиб, идишларда тиндириб ичишга мажбур бўлган. Ҳатто эллик йил бир жойда яшаб, уйига сув тармоғи тортилмаганлар ҳам бор. Энди эса аҳолининг сув ташиш учун челак кўтариб, сарсон бўлишига зарурат қолмади, хонадонидаги жўмракни бураши кифоя.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

БУГУННИНГ ГАПИ



# СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАЙЛИК

## ЧИРОЙЛИ ГАП ВА ТАРҒИБОТНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС

**Таҳлилларга кўра, томчилаб турган ЖЎМРАКДАН БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 75 ЛИТРГАЧА сув беҳуда оқиб кетади. Атиги 12 ТА ИДИШ ЮВИШ УЧУН эса 80-90 ЛИТР СУВ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ. Кун давомидаги бошқа эҳтиёжларимизга бир неча ўн литрлаб сув сарфлаймиз. Аммо бир кун сув ўчиб қолгудек бўлса, захирадаги ҳар томчи сувни тежаб ишлатамиз. БУ СУВ ҲАМ ТУГАБ ҚОЛСА-КУ, ДУНЁ КЎЗИМИЗГА ТОР БЎЛИБ КЕТАДИ.**

Нима учундир тежамкорликка ўтишимиз учун ўша неъмат тамом бўлиши, керак вақтда топилмай қолишини кутамиз. Ёки сув ҳеч қачон тугамайдигандек тутамиз ўзимизни. Биз ер қаъридан беминнат чиқиб келаверади деб ҳисоблаган сув захираси тобора камаймоқда. Сайёрамизда 2 миллиардга яқин киши тоза сув ичиш имкониятидан маҳрум. 17 мамлакатда сув танқислиги аллақачон энг юқори даражага етган. Бир вақтлар нефть ва углеводород захирасига эга давлатлар жаҳон сиёсий "атмосфера"сини белгилаган бўлса, ҳозирги ривожланиш тенденцияси ундан ҳам муҳим ресурс борлигини кўрсатмоқда. Бу ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган ичимлик сув манбаларидир.

Мамлакатимизда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик ҳолати қандай? Соҳада қилинаётган ишлар, йирик лойиҳалар қанчалик натижа беряпти? Юртимизда сув етиб бормаган ҳудудлар ҳам борми? Шу каби саволлар билан **"Ўзсувтаъминот" АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Дилшод АЗИМОВ**га юзландик.

— Сув бўлмаган жойда ҳаёт ҳам, тириклик ҳам бўлмайди. Аммо тоза ичимлик сув бормайдиган ёки етказиб бериш имконсиз ҳудудлар — бошқа масала. Шунга кўра, мамлакатимизда сув етиб бормаган жойнинг ўзи



йўқ. Фақат ичимлик сув марказлашган ҳолда таъминланмаган ҳудудлар бор. Бундай ҳудудлар аҳолиси сувни муқобил манбалар, хусусан, булоқ, қудуқ, сойлардан олиб истеъмол қилади. Қолаверса, айни пайтда марказлашган ичимлик сув таъминотига эга бўлмаган жойларда яшовчи 2,8 миллион кишига махсус сув ташиш техникасида етказиб берилмоқда. Бу, албатта, тоза ичимлик сув таъминоти соҳасида қилинадиган ишлар ҳали кўплигидан далолат, — дейди Д.Азимов. — Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Юртимизда ичимлик сувнинг 60 фоизи ер ости, 40 фоизи ер усти сув манбаларидан олинади. Уларни тозалаб, аҳолига етказиш доим долзарб масалалардан бўлган. Аммо айрим ҳудудларга марказлашган ичимлик сув тармоғини етказишнинг географик жиҳатдан имкони йўқ. Шу боис, марказлашган сув тармоғи йўқ маҳаллалардаги имкониятлар ўрганилиб, ишни уч йўналишда ташкил этиш белгиланган. Жумладан, инфратузилмага яқин маҳаллаларга марказлашган тармоқ тортиш, ер ости суви тоза ва яқин жойларда қудуқ қазиб, сув иншооти қуриш, қудуқ қазиш ҳамда қувур тортиш имкони бўлмаган қишлоқларда катта сиғимли ҳовузлар барпо этиш ишлари бажарилади.

Камчиликларга қарамай, олдимизда турган асосий вазифа аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 100 фоизга етказишдан иборат. Бу босқичма-босқич бажариладиган иш. Айни вақтда бу бўйича кўрсаткич 77,2 фоизни ташкил этяпти. Етти йил олдинги ҳолат билан солиштирганда салкам 14 фоиз ўсиш кузатилди. Бу энг юқори натижа бўлмаса-да, соҳадаги ишлар, ажратилаётган маблағ салмоғи йилдан йилга ортиб, аввалгига нисбатан 5-6 баробар кўпайгани сезилади. Биргина 2023 йилда ушбу йўналишдаги ишлар учун бюджетдан 5,4 триллион сўм ажратилган. Бунинг ҳисобига 2 минг 598 та объектга 11 минг 207 километр ичимлик ва 593 километр оқова сув тармоғи тортилиб, 1 минг 740 та ичимлик ва оқова сув иншооти қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Натижада 2 мингдан ортиқ маҳалладаги 1,1 миллион киши хонадонига илк бор тоза ичимлик сув кириб борди, 2,5 миллион одамнинг таъминоти яхшиланди.

Жорий йилда юртимиз аҳолисининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 81 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу, албатта, қўшимча маблағ, янги лойиҳаларни талаб этади. Режада кўплаб инвестиция лойиҳалари бор. Жумладан, Инвестиция дастурига кўра, бюджетнинг 1,3 триллион сўм маблағи ҳисобига 1,3 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоғи тортилади ҳамда 75 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Ичимлик сув қамрови даражаси паст бўлган 30 та туманда 459 километр тармоқ тортилади ҳамда 24 та ичимлик ва оқова сув иншооти қурилади. Белгиланган лойиҳалар йил бошидан буён бирин-кетин амалга ошириб келиняпти. Бунда эътибор нафақат сув таъминоти, балки ичимлик сув сифати ва санитария-гигиена шароитини яхшилашга ҳам қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланган.

Ўрганишлар асносида сув таъминоти оғир бўлган 813 маҳалла аниқланган. Жорий йилда давлат бюджети ҳисобидан 83 та маҳалла ва қатор аҳоли пунктларида сув таъминоти ва канализация бўйича 76 лойиҳа амалга оширилади. Уларнинг умумий қиймати 6,8 триллион сўм бўлиб, лойиҳаларнинг 67 тасини шу йил охиригача етказишни режалаштирганмиз.

Соҳага кўпроқ инвестиция жалб этиш нафақат молиявий, балки халқаро тажриба, янги лойиҳалар, инновацион технологиялар кириб келиши жиҳатидан ҳам ижобий аҳамиятга эга. Жараёнда халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари улуши ва аҳамияти, айниқса, юқори. Ҳозир бу борада 10 дан ортиқ халқаро ташкилот, жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислом тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Саудия тараққиёт жамғармаси каби ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилган. Ҳамкорлик қамрови кенгайгани сари соҳада жалб этилаётган инвестиция ҳажми ҳам йил сайин ошяпти. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки 25 йилида соҳада жами 892 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган бўлса, сўнгги беш йилда бу миқдор 700 миллион доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Айни вақтда қиймати 2,4 миллиард долларлик 25 лойиҳани амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Улар орасида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги "Жиззах шаҳар оқова сув тизимини реконструкция қилиш", Ислом тараққиёт банки иштирокидаги "Сирдарё вилояти Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларининг канализация тизимини реконструкция қилиш ва кенгайтириш", Саудия тараққиёт ва ОПЕК жамғармалари маблағи ҳисобидан "Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ичимлик сув таъминотини яхшилаш" каби йирик лойиҳалар кўп. Асосийси, ҳар бир лойиҳадан аниқ мақсад кўзланган. Хусусан, йил якунига кўра 82 та МФЙда ичимлик сув таъминоти ҳамда 26 та МФЙда оқова сув хизмати яхшиланади.

Ҳозир шундай лойиҳалар амалга оширилмаётган ҳудудлар йўқ ҳисоби. Тошкент вилояти мисолида олсак, ўтган йили бюджетдан ажратилган 851,2 миллиард сўм ҳисобидан 492 объектда жами 1878 километр тармоқ тортилган, 238 та иншоот қурилиб, 221 та объект фойдаланишга топширилди. Ҳудуднинг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 72,8 фоиздан 79,4 фоизга етказилди. 163 маҳалладаги 214 минг киши илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Тошкент туманида Осиё тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳа шулардан бири. Лойиҳанинг илк босқичида 3 та сув тақсимлаш иншооти ишга туширилиб, туманнинг 26 маҳалласи, 214 кўчасига ичимлик сув тармоғи тортилди. Шу билан туман аҳолисининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 78,9 фоиздан 92 фоизга етди. Ҳудуддаги 152 хонадон илк бор сув таъминотига эга бўлди. Лойиҳага киритилган маҳаллалар аҳолиси аввал қудуқлардан сув олган ва жадвал асосида таъминлаб келинган. Одамлар йиллар давомида ариқдан сув ташиб, идишларда тиндириб ичишга мажбур бўлган. Ҳатто эллик йил бир жойда яшаб, уйига сув тармоғи тортилмаганлар ҳам бор. Энди эса аҳолининг сув ташиш учун челак кўтариб, сарсон бўлишига зарурат қолмади, хонадонидаги жўмракни бураши кифоя.

**— Ўтган йилдан мамлакатимизда сув нархининг оширилиши тежамкорликка қаратилган ечимлардан бири бўлди. Аммо тарифлар ҳудудларда турлича экани қизиқ. Бу нима билан боғлиқ?**

— Сайёрамизда ҳаво ва сувдан қимматли неъмат йўқ. Уларнинг қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Инсоният ўз таъсири орқали ана шу неъматнинг камайиб бориши, тақчиллигига сабаб бўляпти. Сув захираларининг



йўқолиб бориши Ер юзи учун жуда катта фожиа эканини тушуниш қийин эмас. Бу ҳақда олимлар йиллар давомида гапириб, бонг уриб келган бўлса, бугунга келиб, инсоният бевосита муаммога дуч келди ва шу муаммо билан яшаяпти.

Сайёрамизнинг учдан икки қисми сувдан иборат бўлишига қарамай, атиги 3 фоизини



чучук сув ташкил этади. Таҳлилларга кўра, 1960-йиллардан буён Ер юзида сувга талаб икки баробар кўпайган. Бу аҳоли сони ортиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожланиши каби кўплаб омиллар билан боғлиқ. Сув танқислиги озиқ-овқат хавфсизлигига сезиларли таҳдид солмоқда. Яқин йилларда янада жиддий фожиаларни келтириб чиқариши мумкин. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, инсониятнинг чучук сув ресурсларидан фойдаланиш суръати шу тарзда давом этса, 2100-йилларга бориб, захира тугайди.

Бир қарашда бу гаплар шунчаки ваҳимадек туюлади. Бир неча ўн йил олдин шундай фикрлашимиз ҳам мумкин эди. Аммо бугунги глобал вазият ҳар қандай шароитга тайёр туришимиз кераклигини кўрсатмоқда. Олдимизда турган энг катта вазифа эса табиий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш, муқобил манбаларни яратиш бўлиб турибди. Бундай шароитда кескин чоралар кўришга тўғри келади. Чунки кўплаб давлатлар қатори бизда ҳам сув танқислиги хавфи юқори.

Юртимизда жами 11 минг 63 та сув олиш иншооти мавжуд. Ичимлик сувнинг асосий захиралари эса Амударё ва Сирдарё ҳамда унга туташ ер ости чучук сув манбаларидир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган сувнинг 87 фоизи қишлоқ хўжалиги, 9 фоизи энергетика ва балиқчилик, қолган 4 фоизигина ичимлик учун сарфланади. Шундай шароитда сувга нисбатан энг арзон товарлардан бири сифатида қараш чинакам фожиа.

Сув нархини оширишдан мақсад одамларни тежамкорликка ўргатишдангина иборат эмас. Бир қатор омиллар, жумладан, марказлашган ичимлик сув таннархи ва ундан фойдаланиш учун белгиланган сув тарифи орасидаги тафовут катталашгани, нархга нисбатан ишлаб чиқариш харажати бундай йўл тутишга ундади. Гап шундаки, истеъмолчиларга тоза ичимлик сув етказиб бериш ҳамда оқова сувни чиқариб юбориш бир қанча босқични, минглаб ходимлар меҳнатини талаб этади. Биз ҳар куни истеъмол қиладиган ичимлик сув бир неча тозалаш босқичидан ўтмагунига қадар хонадонларга йўналтирилмайди. Бунинг белгиланган талаб ва меъёрлари бор. Аввало, сув ҳавзалари ва бошқа манбалардан олинадиган сув тозалаш учун иншоотга келиб тушади. У ердаги махсус идишларда сувга зарур реагентлар билан ишлов берилиб, тиндирилади. Майда заррачалар сув тагига чўккач, рангсизлантирилади. Сўнг бирин-кетин зарарсизлантириш, юмшатиш, чучуклаштириш ва тиниқлаштириш жараёнидан ўтказилади. Ана шу мураккаб босқичлардан кейингина насослар ёрдамида тармоққа юборилади. Марказлаштирилган таъминот тизимидаги сув сифати юқори оқимдан то истеъмолчи уйидаги жўмракларгача ҳаракати давомида кечаю кундуз назорат қилинади. Ушбу назорат сувнинг мақбул органолептик, кимёвий ва микробиологик хусусиятларини баҳолашга имкон берадиган турли тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Буларнинг ҳар бири харажат талаб қилади.

Ўтган йилги таҳлилларга кўра, юртимиз бўйича ўртача 1 куб метр ичимлик сув ишлаб чиқариш учун 1312 сўм, 1 куб метр оқова сув тозалаш учун 753 сўм сарфланган. Тарифлар эса 3 йилдан буён ўзгармай келаётгани натижасида ўрта ҳисобда 40 фоиз ошган таннарх харажати ҳисобидан 960 миллиард сўм қопланмай қолган. Бу қўшимча қарз харажатини келтириб чиқаради, дегани. Бундан ташқари, охирги уч йилда истеъмолчилар сони 808 мингга ошган. Демак, уларга ичимлик сув етказиб бериш янада кўпроқ меҳнат ва харажат талаб этади. Масалан, сув узоқ масофага жуда катта электр энергияси талаб этувчи насослар ёрдамида етказилади. Бу ҳам катта чиқим. Қолаверса, тизимда юзага келадиган авария ҳолатларини бартараф этиш, тармоқларни жорий ва мукаммал таъмирлаш харажати бор.

Ичимлик сув ишлаб чиқариш ва етказиб бериш харажати фарқланиши туфайли тарифлар ҳар бир вилоятда турлича этиб белгиланган. Мисол учун, Тошкент шаҳрига ичимлик сув Бўзсув канали орқали, Андижон вилоятига эса Кампирровот сув омборидан ер сатҳи фарқи ҳисобига ўзи оқар тарзида етказиб берилади. Навоийдаги истеъмолчиларнинг 70 фоиздан ортиғи Самарқанд вилоятидаги сув иншоотидан тортилган қувур орқали ичимлик сув билан таъминланади. Бунинг натижасида электр энергияси камида 2 баробар кўп сарфланади. Шундан кўринадики, барча ҳудудда ичимлик ва оқова сув тарифи қайта кўриб чиқилди. Айни пайтда юртимиз бўйлаб 1 куб метр ичимлик сувни етказиб бериш нархи ўртача 2300 сўмни, 1 куб метр оқова сув хизмати кўрсатиш эса ўртача 1300 сўмни ташкил этмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида ичимлик сув етказиб бериш учун ер усти сувидан фойдаланилгани ва истеъмолчилар зич жойлашгани сабабли 1 куб метр ичимлик сув нархи 1400 сўмни ташкил этса, Жиззах вилоятида ичимлик сув бир нечта сув кўтариш иншооти орқали етказиб берилиши ҳисобига 1 куб метр учун 4 минг сўм нарх белгиланган.

Умуман, ичимлик ва оқова сув хизмати учун тарифларни шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда амалга киритиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 июлдаги "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ бажарилади. Мазкур қонунга асосан, сув таъминоти корхоналари шакллантирган таклифлар жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилиб, олинган хулосалар асосида тасдиқланади.

**— Кунлар исиши билан ҳовлида яшайдиганлар ичимлик сувдан машина ювиш, ўсимлик суғориш, ерни салқинлатиш ва бошқа мақсадда фойдаланиб, увол қилади. Сувни беҳуда исроф қилганлар учун қонунчилигимизда қандай чоралар белгиланган?**

— Сувни исроф қилиш ҳолатининг олдини олиш қонунчилигимизда ҳам назарда тутилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида ичимлик сувни суғориш ва бошқа мақсадларда ишлатиш тартиби белгиланган.

Таҳлилларга кўра, ичимлик сувни исроф қилиш ҳолатлари, асосан, ҳисоблагич ўрнатилмаган истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келади. Қонунчиликка кўра, сувни ҳисобга олиш ускунаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда сув таъминоти хизмати учун аҳоли истеъмолчиларига белгиланган тарифларга 1,5 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳам аҳоли хонадонларини тўлиқ электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш белгиланган. 2021 йилда бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил қилган бўлса, бугун 77,2 фоизга етди.

Аммо бу каби чора-тадбирлар ҳамда тарифларнинг оширилиши ҳам айримларни сув тежамкорлигига ўргата олмаётгани ачинарли. Ваҳоланки, биз сувни қимматга сотиб олаётганимиз учун эмас, балки бебаҳо неъмат бўлгани, дунёда миллионлаб одам унга зор экани учун ҳам тежаб ишлатишга масъулмиз. Бунинг учун халқимизнинг истеъмол маданиятини ошириш, ҳар биримиз оддий кундалик меъёрларга риоя қилишимиз лозим. Масалан, сув томчилаётган жўмрак, маиший техника ёки пуркагичларни ўз вақтида тузатайлик. Чунки оқаётган томчи вақт ўтиши билан катта йўқотишга айланади. Тиш юваётганда ҳам жўмракни ёпиб, бир стакан сувдан фойдаланиш кифоя. АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги маълумотларига кўра, шу оддий саъй-ҳаракат бир ойда 700 литр сувни тежаш имконини беради. Бу рақам сўмга чақилса, қанча маблағ тежаш мумкинлиги ҳам ойдинлашади. Кир, идиш-товоқ ва бошқаларни ювишда ҳам шундай тежамкорлик зарар қилмайди. Замонавий ўлчов ускуналаридан фойдаланиш сув, электр энергияси тежамкорлигида катта аҳамиятга эга.

Рақамли технологиялар сарф-харажатни аниқ назорат қилиб, тежамкорликни бир неча баробар оширади. Шу боис, жорий йилда соҳани рақамлаштириш орқали сув сарфини тартибга солиш, мавжуд тармоқларнинг рақамли харитасини яратиш ҳамда "SCADA" тизимини жорий этиш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг 125 миллион доллар маблағини жалб қилиш кўзда тутилган. Соҳада энергия сарфини камайтириш орқали таннархни қисқартириш ва моддий-техник базани яхшилаш учун 426 та насос энергиятежамкор насосларга алмаштирилади, 66 мегаваттли қуёш панеллари ўрнатилади.

Жорий йилда рақамлаштириш йўналишида яна 3 та янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларнинг 2 таси Осиё тараққиёт банки иштирокида жорий этилади. Биринчиси, "Автоматлаштирилган омбор тизими" (EWM) бўлиб, унда корхонанинг операцион самарадорлиги ва шаффофлигига эришиш учун бизнес тизимларини интеграциялаш ва оптималлаштириш назарда тутилган. Иккинчи лойиҳа "WaterData" ягона маълумотлар базасини яратишдан иборат. Бунда сув таъминоти соҳасидаги барча таҳлилий маълумотнинг электрон базаси шакллантирилади.

Учинчи лойиҳага кўра эса Ягона диспетчерлик маркази ташкил этилади. Диспетчерлик хизматини рақамлаштириш орқали юқоридаги барча лойиҳалар интеграциялашади. Яъни махсус автотранспорт ва авария бригадалари учун йўналишларни оптималлаштириш, мурожаатларни мониторинг қилиш, сув босими, электр энергия сарфи, насосларнинг ишлашини бошқариш, аварияларни мониторинг қилиш, ноқонуний уланишларни аниқлаш ҳамда бухгалтерия ва омбор тизимларини интеграция қилиш орқали бошқарув тизими самарадорлигига эришилади.



Унга кўра, ичимлик сувдан дов-дарахтларни суғориш мақсадида фойдаланишга бир қатор истисноли ҳолатлардагина йўл қўйилади. Расмий рухсатсиз ёки кўрсатилган вақтдан ташқари суғорилган ҳолатларда бир ой фойдаланилган сув учун тўлов — аҳоли истеъмолчилари учун сув сепиш ва суғориш майдонининг ҳар 1 квадрат метри учун 15 литрдан ҳисоб-китоб қилинади.

Яна бир қулайлик: сув сифати ва хавфсизлиги мониторинги учун "WATER LAB" ахборот тизими жорий этилиб, тестдан ўтказилмоқда. Бу жараёнда лабораториялар тўлиқ рақамлаштирилиб, ҳисоботи электрон тарзда юритилади. Натижада юртимиз бўйлаб ичимлик сув сифатини назорат қилиш имконияти сезиларли даражада кенгаяди.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.**



Долзарб мавзу

# ТИЛ БИЛИШ СЕРТИФИКАТИ





**Гўё кечагина талабалар сафига қабул қилинган йигит-қизлар бугун ўқишни битириш арафасида. Вақт югурик, кўз очиб-юмгунча тўрт йил сувдек оқди-кетди. Ҳадемай “олтин давр” адоғига етади. Битирувчи курс талабалари битирув-малакавий иши ёзиш ва ёқлашга тайёргарлик билан банд. Орада қолиб кетган фанларни қайта топшираётганлар ҳам йўқ эмас.**

## Бу йилдан бошлаб бўлажак магистрлар учун ушбу талаб бекор қилинаётгани ростми?




Мансурбек ЖАББОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири


Қўл-қўлга тегмай, ҳатто эркинроқ нафас олишга ҳам вақт бўлмаётган бир пайтда икки йилдан буён чет тили курсига қатнаётган курсдошимиз жиғибийрон бўлиб, “Магистратурада ўқиш учун чет тилини билиш даражаси талаби бекор бўлиши мумкин экан”, дея ичимизга ғулғула солиб қўйди. Хабар университетда яшиндек тез тарқалди. Бунинг устига оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ҳам чет тили сертификати талаби бекор бўлиши мумкинлиги ҳақида хабарлар эълон қилина бошлади.

Бу ҳамманинг хаёлини ўғирлади. Сабаби ўқишни магистратурада давом эттиришни режа қилганлар бир неча йилдан буён чет тили курсига қатнагани, шунча саъй-ҳаракати йўққа чиқишидан хавотирда. Аслида, тил билган яхши. Бугун замонавий кадрларнинг бирорта хорижий тилни билиш, шу орқали чет эл тажрибасини ўрганиш ва фаолиятида қўллаш малакаси ниҳоятда қадрланади. Бироқ магистратурага қабул жараёнида номзоддан тил сертификати талаб қилинаётгани кўплаб иқтидорли ёшларнинг назардан четда қолишига ҳам сабаб бўлмоқда.

### Уч йилда салкам 207 миллиард сўм зарар

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ОТМларнинг магистратура мутахассислигига ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига танловларда миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартиби жорий қилинди. Бунда филология йўналиши бўйича камида C1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат, нофилологик йўналишлар бўйича эса B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат талаби белгиланди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳисоботига кўра, 2021 йилдан давлат ОТМларининг магистратура босқичига ўқишга кириш учун чет тили сертификати талабининг мажбурий қилиб қўйилиши квоталарнинг очиқ қолишига, оқибатда молиявий мустақил ОТМларнинг жиддий зарар кўришига сабаб бўлган. Жумладан, 2021 йилда 20,7 фоиз, 2022 йилда 80,2 фоиз, 2023 йилда эса 62,6 фоиз квота очиқ қолган.

Шунингдек, 2021 йилда магистратура учун 78,8 минг талабгор, 2022 йилда 5,2 минг, 2023 йилда 6,3 минг киши ҳужжат топширган ёки талабгорлар сони сўнгги учинчи йилда 12,5 баробар камайган. Бунинг ортидан эса очиқ қолган квоталар сабаб олий таълим муассасалари 2021 йилда 18,6 миллиард, 2022 йилда 101,8 миллиард, 2023 йилда эса 85,8 миллиард сўм зарар кўрган.

Бироқ ҳисоботда чет тили сертификати талабининг мажбурий этиб белгиланган ОТМлар магистратура босқичидаги таълим сифатига қандай таъсир қилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

### Масъуллар масалага аниқлик киритди

Ўқув йили тугаб, магистратура босқичи учун синов бошланадиган палла яқин. Ўқишни давом эттирмоқчи бўлганларнинг эса





боши қотган. Ниҳоят масъуллар тушунмовчиликларга аниқлик киритиб, талабаларни ўйлантираётган саволларга жавоб берди.

Маълум қилинишича, мусиқа ва санъат йўналишида ўқишни давом эттирадиганлардан магистратура босқичи учун тил билиш даражаси талаб қилинмайди. Бир нечта магистратура ихтисослиги учун тил билиш даражаси бекор қилиниб, баъзи йўналишлар учун ўзгаришсиз қолдирилди. Шу ўринда савол туғилади: юқоридаги каби талаб талабалар учун қанчалик имконият яратади? Ўзгартирилган талаб аввалгидек квота тўлмай қолишига сабаб бўлмайдими? Ўзи тил билиш даражаси сертификати талаби қайси йўналишлардан олиб ташланди? Қайси йўналишлар учун ўзгаришсиз қолдирилди? Ушбу саволларга жавоб излаб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъуллари билан боғландик.

Таъкидланишича, магистратура ва докторантурага қабулда хорижий тилни билиш тўғрисидаги сертификат талаби қуйидагича ўзгартирилади: <u>таълим дастурини хорижий тилда якунлаган талабалар учун сертификат талаби бекор қилинди. Соҳа хусусиятидан келиб чиқиб, маданият, санъат, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш, муҳандислик иши, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, архитектура ва қурилиш, физика ва табиий фанлар, транспорт хизматлари йўналишлари бўйича сертификат талаби бир поғона — B1 даражасига туширилади. Сертификат талаби хорижий тиллар йўналишида C1 даражада, аниқ фанлар, биология, математика, ҳуқуқ, журналистика, ахборот-коммуникация технологиялари ва иқтисодиёт йўналишларида B2 даражада сақланади.</u>





### Кадрлар малакасига таъсири

Шу ўринда савол туғилади: хўш, бу талаб билан нимага эришяпмиз? Хорижий тилни билиш даражаси сертификати бўлмаган талабалар ўқишни магистратурада давом эттира олмаслиги туфайли яхши мутахассислардан ажралиб қолмаяпмизми?

— Аҳолиси инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги олий ўқув юртларида IELTS сертификати талаб қилинади. Канада, Австралия ва Янги Зеландия каби давлатларга ишлашга бормоқчи бўлганлар ҳам шундай сертификат олиши керак, — дейди ЎзЖОКУ катта ўқитувчиси Даврон Мансуров. — Шу сабаб кўпчилик ёшлар IELTS сертификатини олишга интилмоқда. ОТМларнинг магистратура ва докторантура босқичига ҳужжат топширишда ҳам тил сертификати талаб қилинмоқда. Ўтган йилги қабул жараёнида Ўзбекистон ОТМга хорижий тил сертификати талаби боис, давлатнинг магистратурага қабул квоталари бажарилмади. Бу талаб олдимизга бир қанча муаммоларни қўйди.

Биринчидан, бакалавриат босқичининг илмий фаолиятни давом эттириш салоҳиятига эга битирувчиларини ОТМда олиб қолиш имкони йўқолаётир.

Иккинчидан, чет тилларни мукаммал биладиган ёшлар таълимни хорижда давом эттиришни маъқул кўради.

Учинчидан, салоҳиятли, олий маълумотга эга маҳаллий ёшлар чет давлатлар меҳнат бозорини тўлдиряпти ва давлат иқтисодиётига катта фойда келтирмаяпти.

Тўртинчидан, чет давлатларга ишга кетган ёшларнинг юртга қайтиш кафолати йўқ.

Шуларга асосланиб, мамлакатимиз ОТМларида магистратура ва докторантурада илмий фаолиятни давом эттиришни ният қилган салоҳиятли ёшлар учун чет тилларни билиш даражасини белгилаб берувчи сертификат талаб қилиш амалиётидан воз кечишимиз керак.

Эътибор берган бўлсангиз, тил сертификатига эга талабаларнинг кўпи ўқишини давом эттириш учун чет элга чиқиб кетмоқда. Юртимизда эмас, бошқа мамлакатларда фаолият юритяпти. Бу эса яхши мутахассислардан айрилиб қолаётганимизни кўрсатади.

### Талабалар нима дейди?

Тил билиши даражаси сертификатига доир сўнгги янгиликлар талабаларга қандай таъсир қилди? Ёшлар қандай ўзгаришларни кутган эди? Сертификат бўйича талаблар ўз ҳолида қолгани маъқулмиди ёки умуман бекор қилингани?

— Таълимнинг магистратура босқичи учун ҳужжат топшираётган талабалардан хорижий тилни билиш даражаси тўғрисидаги сертификат талаб қилиниши, албатта, яхши, — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Камолиддин Рўзиматов. — Бунинг натижасида кўплаб ёшларда хорижий тилларни ўзлаштиришга интилиш ошади. Ўтган вақтда шундай ҳам бўлди. Касбий йўналишига қўшимча равишда хорижий тил ўрганиб, сертификат олганлар сони кўпайди. Бироқ ушбу тартиб айрим талабалар учун ҳам, олий таълим тизими учун ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди деб ўйлайман. Бакалавриат босқичидаги талабалар ўқиш давомида чет тилини ўзлаштира олмагани, сертификати йўқлиги сабаб “Магистратурада кейинроқ ўқийман” деган фикрга келди. Тажрибада бундай битирувчилар кейинчалик умуман ўқиш фикридан қайтиб қолганига гувоҳ бўлдик. Чунки бакалавриатни тамомлагандан сўнг 1-2 йил ўтиб, билим бир оз пасаяди. Бундан ташқари, бакалавриатда ўқиш давомида чет тилини зўр ўзлаштириб, сертификат олган талабалар юртимиздаги олийгоҳларга эмас, балки хориж ОТМларига кириб ўқияпти. Агар бу талаба давлат гранти асосида ўқиган бўлса, унга сарфланган пул шунчаки ҳавога учяпти, тайёр кадр бошқа мамлакат учун ишлаб беряпти. Яқинда эълон қилинган ўзгартиришлар эса муаммолар ечимига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди деб ўйлайман. Бу даромади камайиб кетган айрим ОТМларни тинчлантириш учун кўрилган вақтинча чорага ўхшайди.



Сиртқи таълимни босқичма-босқич тугатиш ҳақида ҳам гап кетган. Бунинг ўрнига масофавий таълим йўлга қўйилар экан. Мазкур ўзгартириш ҳам сезиларли натижа бермаса керак. Қайтага бундай тартибда ўқийдиган талабалар билимининг янада пасайиб кетишига сабаб бўлади. Карантин пайтида синаб кўрилган бу амалиёт. Бир талабанинг ўрнига бошқаси жавоб бериб, юқори баҳо олишига, маъруза вақтида камерани ўчириб, бошқа иш билан шуғулланишига имкон яратгани билан кўплаб педагогларнинг эътирозига сабаб бўлган.

— Тил сертификати талаби бўйича ўзгаришлар тушунмовчиликларни бартараф қилиш ўрнига чалкаштириб юборди, — дейди талаба Диёрбек Абдураҳмонов. — Нега энди санъат ва мусиқа йўналиши учун тил билиш даражаси сертификати талаб қилинмаслиги керак? Талаб барча учун баробар бўлсин. Ўзини оқламаётган ва талабаларнинг ўқишга қизиқишига таъсир кўрсатаётган ушбу талабдан ё буткул воз кечиш, ё ҳамма йўналиш учун бир хил жорий этиш керак. Бу ҳолат худди талабаларни табақалаштиришга уринишга ўхшайди. Табиийки, ушбу жараён талабаларда бир қанча саволлар туғилишига сабаб бўляпти. Барибир муаммо муаммолигича қоляпти. Бакалавриат босқичини тамомлаган талабанинг тил билиш даражаси бўйича сертификати бўлмаса, магистратурага ҳужжат топширолмайди. Натижада талабанинг ўқишни давом эттириш истаги ҳам сўниб боради ва магистратурада ўқимай қўя қолади. Мисол учун, ўзим ҳам магистратура босқичида ўқимоқчиман. Бироқ сертификатим йўқлиги туфайли бундай имкониятдан вақтида фойдалана олмайман. Чет тилини ўрганиб, сўнг ўқишни давом эттираман десам, вақтдан ютқазаман.

### Адолатли ечим зарур

Жорий йил 6 май куни Президентимиз ҳузурида олий таълим йўналишларини оптималлаштириш, қабул ва малака тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда бир қанча муҳим масалалар таҳлил қилинди. Эътиборлиси, энди муайян йўналишга ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент, танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат грантига тавсия этилади. Яъни юқори балл олган ёшлар ўқишга кирмай қолмайди. Бундан ташқари, энди давлат гранти 4 йилга битта талабага эмас, балки ҳар йили юқори баҳоларга ўқиган талабалар орасида қайта тақсимланади. Давлатимиз раҳбари бу тизимни адолатли йўлга қўйиш, ёшларга ва ота-оналарга етказиш зарурлигини таъкидлади. Кўплаб талабалар, абитуриентлар бу халқчил ўзгаришдан қувонмоқда. Чунки энди ўқиган кўчада қолмайди.

Тил билиш даражаси сертификати масаласида ҳам мана шундай адолатли ечим керак. Масалан, талабалар фикридан келиб чиқиб, хорижий тил билиш даражаси талабини турли йўналишга ҳар хил қилиб белгилагандан кўра номзод магистратура босқичига кириб, ўқишини тамомлагунча тил сертификатини ўзи ўқиётган олий таълим муассасасига олиб келиб топширса, эҳтимол, мақсадга мувофиқ бўлар. Шунда ўз ишининг мутахассиси бўлган талаба билимини янада мустаҳкамлаш учун магистратура босқичида бемалол ўқий олади ва кадрлар масаласи ҳам ўз ечимини топади. Олий таълим тизими эса молиявий қийинчиликларга учрамайди.

Ислоҳотлар амалда

# БОЛАЛАР МАКТАБГА ШУНЧАКИ КЕЛИБ КЕТМАСИН



**Бир зумда жорий ўқув йили ҳам якунига етяпти. Битирувчиларда ҳаяжон, ота-оналар олдида эса жиддий масала: “Фарзандимни қаерга, нимага йўналтирсам экан?”. Айниқса, ўғли ёки қизи 9-синфни тамомлаётганларда бу ўй кўпроқ бўлиши табиий. Академик лицейга боргани маъқулми, касб-ҳунар коллежигами ёки 11-синфга қадар мактабда ўқишни давом эттиргани яхшими?**

Аксарият битирувчиларнинг ўзи ҳам ким бўлсам экан, деган саволга аниқ жавоб топа олмай, дуч келган мутахассисликни танлашга мажбур. Тўғри, фарзандининг кейинги тақдирини ўзи ҳал қиладиган ота-оналар ҳам бор. Боланинг қизиқишига қарайдиганлар эса инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилиш даражаси танлаган касби билан боғлиқлигига ишонади. Бироқ ҳар икки йўлда кутилмаган тасодифлар бўлиши мумкин. Қисқаси, фарзанд келажаги масаласида шунчаки қарор қабул қилиб бўлмайди. Бундай вазиятда мактаблардаги касб-ҳунарга йўналтиришга масъул ходим — психологлар ота-онага маълум маънода ёрдам бера олиши мумкин. Чунки улар мутахассис сифатида боланинг қизиқишини баъзи ота-оналардан яхшироқ билади. Улар сабаб тўғри йўл танлаган ёшлар амалиётда буни исботлаётганига гувоҳмиз.

Давлатимиз раҳбари мактаб ўқувчиларининг қизиқишидан келиб чиқиб, уларга камида иккита хорижий тил ва битта ҳунар ўргатишни таклиф қилганди. Тажриба учун барча ҳудудларда мактаблар танлаб олинди. Ҳокимликларга мазкур мактабларда касб-ҳунар устахоналари ташкил этиш, жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш топшириғи берилган. Ёшлар етакчилари, тадбиркорлар ҳам жалб этилган мазкур тажриба учун Ёшлар жамғармасидан маблағ йўналтириляпти. Чет тилларни сифатли ўргатиш учун эса мактабларга “тил эгаси” бўлган педагогларни жалб қилиш, Президент мактабларининг тил ўргатиш тажрибаси, дарслик ва дастурларини татбиқ этишга эътибор қаратиляпти.

— Мамлакатимиздаги 208 та мактабда иккита хорижий тил ва муайян касбга ўргатиш амалиёти жорий қилинди. Иккинчи хорижий тилни ўргатишга ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам катта қизиқиш билдирди. Бир йил давомида бу амалиёт яхши натижа берди. Ҳафтада 2 соат иккинчи хорижий тил ўқитилди. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб мазкур амалиёт 10-синфларда қўлланади. Чунки 9-синфни тамомлаган ўқувчи олдига аниқ мақсад қўйган бўлади, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Шаҳло Темирова. — 10-синфдан иккинчи хорижий тил интенсивлаштирилган ҳолда ўргатилади. Яъни ҳафтасига 2 соат эмас, 4 соатдан ўтилади. Айни пайтда вазирликка 370 дан ортиқ мактаб 2 та хорижий тил ўргатиш амалиётини жорий этиш таклифи билан чиққан. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида сўровнома ўтказилиб, бу борадаги ишлар аниқ режа асосида давом эттирилади.

Вазирлик ходимининг айтишича, ўқувчиларнинг қизиқиши, ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, касб-ҳунар амалиётига мослаштирилган мактаблар сони кўпроқ. Хусусан, Самарқанд вилоятида қўшимча 80 га яқин мактабда касб-ҳунарга ўргатиляпти. Бу яхши, албатта. Муҳими, эҳтиёж бор. Айни фаолият ёшларни тарбиялаш баробарида ҳаёт мактабига тайёрлашга хизмат қилади. Ҳунар инсонни сабр-бардошли бўлишга ундайди, ҳамиша ризқлантириб туради. Буни тушуниб етган мактаб ўқувчилари аллақачон бир ҳунарнинг этагидан тутган. Жумладан, Андижон шаҳридаги таълим муассасаларида касб-ҳунар эгаллаб, ҳатто мўмай даромад топаётган ўқувчилар сафи кенгайяпти. Яқинда шаҳардаги 18-мактабда “Орзуларни мақсадларга айлантирамиз” шиори остида “Етук ҳунарманд” форуми ўтказилди. Унда ҳунарманд ўқувчилар маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.

Демак, бугун илгари сурилаётган ташаббусу таклифлар, янги тажрибалар амалиётга тўғри татбиқ этилса, албатта, кутилган натижага эришамиз. Аслида, айни шу мақсадлар Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида акс этган. Унда 7-синфданоқ интерактив сўровномалар ўтказиш, касб-ҳунарга қизиқишларни аниқлаб, маълумотлар базасини яратиш, ҳар ойда бир марта “Касблар оламига саёҳат” мавзусида махсус курслар, 8-синфларда ҳар чоракда камида бир маротаба “Менинг келажакдаги касбим” мавзусида семинар-тренинглар олиб бориш белгиланган. 9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган педагогик-психологик ташхислар натижаси асосида келгусида аниқ ишчи касблар бўйича касб-ҳунар мактабларида ўқиши мумкин бўлган ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш зарурлиги қайд этилган.

Ўқувчиларнинг касбий қизиқишини оширишда, касблар ҳақида маълумотларга эга бўлишида ўз соҳасининг фидойилари, меҳнатидан шараф топганлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмайди.


Муножат РАҲИМЖОН қизи,
журналист

**Бу галги фестивалга 60 дан ортиқ давлатдан иштирокчи келди. Энди нафақат зардўзлик, заргарлик, балки каштачилик санъати ҳам намойиш қилиняпти. Мамлакатимиз бўйлаб ҳунармандлар қатнашяпти. Уларнинг зардўзлик билан уйғунликда янги ашёлар яратишни ният қилгани, албатта, қувонарли.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

**17 МАЙ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ТАВАЛЛУДИ КУНИ**



# Ҳар япроғи юракдай титраб турган дарахтман...

(Бадиа)

***Унинг шеърларидан дарёнинг овози келади. Халқ эса дарёсиз яшолмайди.***

***Иброҳим ҒАФУРОВ,***
***Ўзбекистон Қаҳрамони, мунаққид***

**Теракларнинг эндигина ниш урган оч яшил барглари баҳор шаббодасида товланиб, масрур титраб турган кезлар эди. “Космонавтлар” метро бекатидан чиқиб, биз, ҳаваскор шоира қизлар шеър ўқиб кетяпмиз:**

***Сўзламоғим керак мен сизни,***
***Сизламоғим керак мен сизни.***
***Қай боғларда ёзаркансиз барг,***
***Изламоғим керак мен сизни.***




Инсон юрагини саволлар куйдирган кезларда, ҳали ўзлигини топа олмай, сарсона ўртанган лаҳзаларда “Суянч тоғлари”ни излаб қолади. Болалигимиз бор экан, тўғридан тўғри кириб борсак, кулиб чиққан, бағрини очган устозимизнинг шеърдан бошқа ташвиши йўқлигига, бирор савол берсак, албатта, жавоб айтишига, ҳар биримизнинг дардимизни тинглаб, маслаҳат беришига шу қадар кўникиб қолган эдикки...

Устоз билан қачон суҳбатлашмайлик, тақдиридаги ҳар кечмишни қайсидир кўнгил одами, шоиру ёзувчи ҳаётидаги чигалликлар ва кўнгилсизликлар билан боғлар, улар бу синовларга қандай бардош берганини мағрур сўзлар эди. Кейинги пайтларда барча таҳририятлару адабий давралардан четлаштирилиб, гўёки уй қамоғида ўтирган шоиранинг бу қадар баланд руҳиятидан, матонатидан кўзларимизга ёш келарди. Беихтиёр Шавкат Раҳмоннинг мана бу мисраларини овоз чиқариб ўқий бошлаганимизни сезмай қолардик:

*Баланд дарахтлар бор,*
*қулаганда ҳам*
*ҳеч кимга айтмаслар қийноқларини.*
*Ҳеч кимса эшитмас,*
*эшита олмас*
*баланд дарахтларнинг инграқларини...*

Бу далдамиздан опанинг чеҳраси ёришиб, бизни маҳкам бағрига босар: “Қизлар, юринглар, гулу майсалар иси кезаётган шу баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб ҳидлаб, суҳбатимизни теракзорда давом эттирайлик”, дерди.

Терак барглари шивирлаган йўлакдан кетиб борар эканмиз, устоз ўша пайтдаги қанча тўсиқлару танқидларга, миш-мишлару ғийбатларга қарамай, қаддини расо тутиб, йўл-йўлакай шеър ўқиб борарди. Уйи атрофида кезиб юрган махсус хизмат ходимлари опани кўриб югуриб келиши ва алоҳида эҳтиром билан салом беришидан ғурурланиб кетардик. Ахир руҳияти юксак инсонни дунёнинг майда ташвишлари, икир-чикирлари эга олмаслигини улар ҳам сезаркан-да, дея қувонардик.

*Мен шу тупроқ куйчисиман, ким айтар: “Тинар!*
*Қайси бир кун гуллаган шох мисоли синар”.*
*Синсам агар, яратмоқдан толса тафаккур,*
*Милт-милт ўча бошласа гар юрагимда кўр,*
*Қалам тушса қўлларимдан етмай бардошим,*
*Фикрларнинг шиддатидан толиқса бошим,*
*Бир оҳ тортиб, ўзни яна қайта тиклайман,*
*Мен шундай, ҳа, синганда ҳам куйловчи найман!*

Бундай мисраларни эшитган шогирдлар янада руҳланиб кетар, ҳар биримиз бисотимиздаги энг янги мисраларимизни тезроқ ўқиб, устознинг муносабатини билгимиз келар эди. Бу сафар мен ўзим ёзган шеърлардан эмас, таржималаримдан ўқидим:

*Орзулар... ҳаётда тушдек кечасиз,*
*Оғулаб изма-из қалбни, умрни.*
*Беҳуда сафсата, онтлар ичасиз,*
*Қани, ўзгартирсам, дейман барини.*
*Яшаш ўзи қизиқ, қизиқдир билмоқ,*
*Илло, ой остида барчаси кўҳна.*
*Ўлик руҳга ҳаёт бахшида этмоқ,*
*Сўз қудрати билан кечган мўъжиза.*

*Не сўзки, онгимга оқди нур бўлиб,*
*Уларни шарҳ этдим қалбимга доир.*
*Мисраларим ўқиб, аста жилмайиб,*
*Қабртошим ўйиб ёздилар: “ШОИР”.*

— Ўлик руҳга ҳаёт бахшида этмоқ, — шивирлайди Ҳалима опа. — Қандай ғамгин ва шу ғамгинлигида қалбингни нурлантирадиган мисралар... Блокни мен ҳам яхши кўраман. Таржима қилаверинг. Ўзга руҳият мўъжизаларидан сизнинг-да қалбингиз улги олади. Мен эса шу кунларда яна Ҳазрат Яссавийга ошноман. Бу дунё кулбаси қачон бошимиздан тупроқ сочиб, тўкилиб кетишини ҳеч биримиз билмаймиз. Бироқ қалбимиздаги эътиқод нури, асл ишқ жавоҳири бизни ҳар қандай вазиятда омон сақлагай... Бу дунёнинг фалокатларию у дунёнинг хавотирлари — барча-барчаси Аллоҳни таниган бандалар учун ҳеч нарса эмасдир.

Устознинг сўзларидан кўз ўнгимизда кўҳна бир кенгликлар, янги бир образлар жонланади. Ҳалима опа яна ўктам овозда мисраларни ёддан ўқий бошлайди:

*Мен — бенаво, чаҳ-чаҳидан айрилган,*
*Яссавийдай ҳамроҳидан айрилган,*
*Бор қувончи, бор оҳидан айрилган,*
*Тақир саҳро, қуриб қолган дил бўлдим.*
*Дардларимни териб тортаман симга,*
*Аросатда жон келмоқда ҳалқумга,*
*Яссавийни кимга олдирдим, кимга,*
*Авж пардада тилдан қолган тил бўлдим...*

Ҳа, биз ўша лаҳзалар умримизнинг энг гўзал онлари эканини, устоз бизга сўзлаган ҳаёт хулосалари, сабоқлари, синовлари бир куни бизларни-да ўйга толдиришини, ижодкор ҳаёти, аслида, бир умрлик заҳмат, бир умрлик соғинч, машаққат эканини англамаганмиз.




— Айниқса, аёл ижодкорга асло осон бўлмайди, қизларим, — дерди Ҳалима опа. — Бироқ бу изтиробларсиз ҳам ҳаёт жуда ҳувиллаб қолади. Яратганга мангу талпиниш завқи, мангу ишқ йўлидаги ёруғ йўл деб англанг ўз ҳаётингизни. Увайсий, Моҳларойимдан бошлаб, қайси бир ишқ соҳибасининг кўнгил номаларини варақласангиз, ана шу ҳақиқатни англайсиз:

*Моҳларойим, чин ойим, айтинг,*
*Ҳамон дардимиз чекасизми?*
*Бизлар ғамдан тўкилган пайти,*
*Гўрингизда сиз чўкасизми?*
*Номард юрса қад кериб, суйгун,*
*Мард тупроққа берса тушини,*
*Тун сизданам қочарми уйқу,*
*Йиғлайсизми бизга қўшилиб?..*

Устознинг бу мисраларидан сўнг, назаримда, шундоққина тепамизда бош чайқаб тебраниб турган тераклар ноласи эшитилгандек бўлади.

— Устоз, нега дарахтлар ҳақида кўп ёзасиз?

Бу саволимиздан Ҳалима опанинг чеҳраси янада ёришиб кетади.

— Дарахтларни тинглашни яхши кўраман. Уларнинг шивирида дунёдаги энг дардли ва энг чиройли, энг ёқимли оҳанглар бор. Ҳар бирининг илдиз отган, тупроққа яширган улкан дарди бор. Бироқ улар кўз ёши қилмайди, уни ичига ютади.

*Дарахт бардошидан қилса бўлар тож,*
*Қўрғошин ўйларга чўмиб келган пайт.*
*Қишнинг эшигига ўзи яланғоч,*
*Барглар — болаларин кўмиб келган пайт.*
*Борми бу дунёни кўролгувчи кўз —*
*Кузатиб қушларнинг галаларини,*
*Сариқ ҳасрат бўлиб ёйиларкан куз,*
*Дарахт йўқлаганда болаларини!*
*Во дариғ! Бу дарахт қандоқ ўлмайди,*
*Унсиз ўкириги ер, кўкни бузар.*
*Дарахт кўз ёшини кўз-кўз қилмайди,*
*Дарахт ўз ёшини ичга оқизар.*
*Аёл!*
*Аллоҳга айт арзу нолангни.*
*Майли, бешон ва ё бесамар ўтгин.*
*Фақат Куз олмасин бирор болангни,*
*Дарахт фарёдидан бехабар ўтгин!..*

Ҳар баҳор ўша суҳбатлар, шеърий лаҳзалар, тенгсиз сабоқларга бой дамларни соғиниб йўлга тушаман. “Космонавтлар” метросидан чиқиб, атрофга минг алангламай, биз кезган теракзорларни тополмайман. “Ҳар япроғи юракдай титраб турган дарахт”ни излайман...

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Боқий мерос**



# БУХОРОЛИК УСТА ҚАРЗИНИ ҚАНДАЙ УЗДИ?

**Чамаси ўн йиллар аввал британиялик икки фуқаро Бухородаги машҳур зардўзни излаб келади. У билан учрашиб, 400 йиллик тарихга эга оилавий гербини зардўзлик услубида қайта тиклаш учун буюртма беради. Ундан аввалроқ эса бир гуруҳ германиялик 200 йиллик қўл меҳнатини таъмирлатиш учун айнан шу зардўзга мурожаат қилган. Натижада балиқ суягини қайириб ясалган нақшлар устидан тикилган икки асрлик антиқа тарихий ёдгорлик (нимча) Бухорода қайта сайқалланган.**

Минглаб чақирим узоқдан хорижликлар излаб келаётган зардўз бухоролик уста Бахшилло Жумаев эди. Мана, 55 йилдирки, умр дафтарини ҳам зарҳал саҳифалар билан безаб келяпти. У зардўзлик ҳадисини олганларнинг олтинчи авлоди вакили. Мамлакатимиз бўйича зардўзлик йўналишида 7 киши Ўзбекистон халқ устаси мақомига муносиб кўрилган. Шулардан 4 нафари бухоролик. Улардан бири Бахшилло Жумаевдир.

Бахшилло аканинг маҳсулотлари маҳаллий бозордан ташқари 20 дан зиёд давлатгача етиб борди. Улар юқори нархда сотилибгина қолмай, Франция, Германия, АҚШ ва Хитой каби давлатлардаги музей ва кўплаб хорижлик сайёҳлар хонадонида сақланяпти. Устанинг зардўзи маҳсулотлари орасида махсус эътибор ва вақт талаб этадиган, нуфузли кўргазма ва танловлар учун яратиладиган санъат асарлари ҳам мавжуд.

— Шу пайтгача 25 давлатда ўтказилган кўргазмаларда қатнашдик. 2019 йили юртимиз ҳам биринчи марта Халқаро ҳунармандлар фестивалига мезбонлик қилди. Бу билан ўттиз йиллик армонимиз ушалди. 2022 йилдан буён зардўзлик ва заргарлик фестивали ўтказилаётгани эса катта тарихий воқеадир. Биринчи фестивалга 60 дан ортиқ давлатдан зардўз ва заргарлар келди. Улар орасида 20-25 йил олдин мендан зардўзлик сирларини ўрганган хорижлик шогирдларим ҳам қатнашганидан жуда хурсанд бўлдим, — дейди уста. — Қаранг, шунча санъатни ўзида мужассам этган Хитойда зардўзлик санъати йўқ экан. Аслида, хитойликларни амалий санъат намуналари билан қойил қолдириш қийин. Лекин ишларимиз уларда катта қизиқиш уйғотди. Павильонимиздан одам аримади, қайта-қайта зардўзлик санъати ҳақида сўраб келаверишди. Катта ҳажмли, 7-8 ойда тикиладиган тўнларимизни олиб боргандик. Кўплаб асарларимизни харид қилишди.



Хитойликларнинг зардўзлик санъатимизга астойдил қизиққани бежиз эмас. Бахшилло Жумаев қадимий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда, асосан, қўл меҳнатига урғу беради. 40 йилдан буён зардўзликка оид маълумотлар, суратларни йиғиб, китоб қилишга киришгани ҳам касбига фидойилигидан далолат.

— Китоб ёзишдан биринчи мақсадим икки минг йиллик зардўзлик санъати тарихини халққа етказиш эди. Шунингдек, охирги 100 йилда яшаб ўтган зардўзлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзмасам бўлмасди. Чунки баъзилари билан бирга ишлаганман. Улар халқ назарига тушган усталар, рассомлар эди. Шу боис, ўзимни улар олдида қарздор деб билардим. Қолаверса, зардўзликнинг 30 дан ортиқ тикиш услубини ёшларга қолдиришни ният қилдим ва мақсадимга эришдим. Китобда чизмалар орқали ҳар бир услуб ҳақида тушунча берилган, бундан фойдаланиб, бемалол санъатимизни давом эттириш мумкин, — дейди Бахшилло Жумаев.

Уста зардўзликнинг 30 дан зиёд услубини ўзида жо этган либослари билан “Халқаро зардўзлик ва заргарлик” фестивалида 1-ўринни эгаллади. У бу йил иккинчи бор ўтказилган мазкур фестивалнинг ташаббускори, ташкилотчиларидан ҳамдир.

— Бу галги фестивалга 60 дан ортиқ давлатдан иштирокчи келди. Энди нафақат зардўзлик, заргарлик, балки каштачилик санъати ҳам намойиш қилиняпти. Мамлакатимиз бўйлаб ҳунармандлар қатнашяпти. Уларнинг зардўзлик билан уйғунликда янги ашёлар яратишни ният қилгани, албатта, қувонарли. Бу каби тадбирлар ҳунармандлар фаолиятининг янада такомиллашувига ёрдам беради, — дейди уста. — Айниқса, халқаро конференциялар доираси тобора кенгайиб боряпти. Биринчи фестивалда дунё миқёсидаги олимлар биз билмайдиган маълумотларни етказган, кутилмаган воқеалар бўлган эди. Бу йил ҳам ўнга яқин хорижлик олимдан ноёб амалий санъатимизга доир янги тарихий маълумотларни ўргандик. Улар ҳам тадқиқотчиларимиздан анча янгилик олди. Умуман, халқаро тажриба алмашувлар янги босқичга кўтариляпти.

Бахшилло Жумаев 2022 йили Марғилондаги “Атлас” байрамида “Энг яхши ҳунармандлик анъанасини сақлаб қолган уста” номинацияси ғолиби деб топилган. 2023 йили Қўқонда ўтган II халқаро ҳунармандчилик фестивалида зардўзлик йўналиши бўйича яна совриндор бўлди. Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида “Ўзбекистон халқ устаси” юксак унвони билан тақдирланди.

— Йигирма йил аввал сўрасангиз, ҳунармандларнинг муаммоси ҳақида тўхтамай гапирардим. Ўн йил олдин ҳам ечим топилиши керак бўлган талай масалалар бор эди. Бугун эса ҳунарманд учун ҳамма шароит етарли, — дейди уста. — Ҳунармандлик мамлакат бренди даражасига кўтарилди. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳунармандларга яратилган имкониятларга чет элликлар ҳам ҳавас қилади. Солиқлардан озод қилинганимиз, бундан ташқари, ҳатто шогирдларимизга ҳам субсидия берилаётгани, энди иш бошлаган ҳунарманд асло қийналмаслиги ҳақида ғурурланиб гапирамиз. Ҳатто бир кунда 13 та ҳунармандлик маркази очилганига ишонмаганлар ҳам бўлди. У ерда ҳунармандлар оиласи билан бирга яшаб, ишлаши мумкинлигини ўз кўзи билан кўрганидан сўнг мамлакатимиздан кетгиси келмай қолганини айтишади.

Бугун шогирдлари сони мингдан ортган Бахшилло Жумаев учун халқаро тадбирлар ўзига хос кашфиётлари билан улкан аҳамият касб этади. Олдига келган ҳар бир сайёҳ маҳсулотлари тарғиботчиси сифатида қадрли. Улар сабаб темурийлар даврида энг юқори чўққига кўтарилган зардўзлик санъати довруғи дунё бўйлаб таралади. Амиру амирзодалар кийган зардўзи тўнлар нусхаси узоқ-узоқларга бориб етади. Янги ғоя, баланд марралар сари қадам ташланади. Энг муҳими, асл анъаналар, қадриятларимиз қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1666.
44034 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 01:10